

*Фируз Туйғунович Рашидов*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси, [rashidov77@mail.ru](mailto:rashidov77@mail.ru) 998976140*

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA VIJDON ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига оид қонун нормалари ва уларнинг ривожланиши, қонун нормаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти, қонун нормаларини бузганлик учун қўлланиладиган жазо чоралари масалаларига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** Дин, эътиқод, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, маҳаллий диний ташкилот, миссионерлик, қонунга хилоф диний фаолият, диний профессионал таълим, прозелитизм.

**Аннотация:** В данной статье основное внимание уделяется правовым нормам и их развитию в Республике Узбекистан о праве на свободу совести и религии, природе изменений и дополнений правовых норм, а также вопросам наказания за нарушение правовых норм.

**Аннотация:** Ключевые слова: Религия, Вероисповедание, Свобода совести, Права человека, Местная религиозная организация, Миссионер, Незаконная религиозная деятельность, Религиозное профессиональное образование, Прозелитизм

**Annotation:** This article focuses on legal norms and their development in the Republic of Uzbekistan on the right to freedom of conscience and religion, the nature of changes and additions to legal norms, as well as issues of punishment for violation of legal norms.

**Keywords:** Religion, Faith, Freedom of conscience, Human rights, Local religious organization, Missionary, Illegal religious activity, Religious professional education, Proselytism

Дунёда бугунги глобал ўзгаришлар шароитида жамият ўртасида дин ўзининг ижтимоий функцияларини бажариш билан бир қаторда янги ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ва ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлиб бормоқда. Кишилиқ жамияти ривожининг бир босқичи бўлган фуқаролик жамияти тараққиётида диннинг ўрни ва аҳамияти шахсларнинг жамиятдаги ижтимоий хулқ-атвори ва диний кадриятларнинг уларга таъсир қилиш даражаси билан белгиланади. Бу феноменологик маъно ва кадриятларда акс этади. Давлатлар томонидан виждон эркинлиги принципига риоя қилиш доирасида диний эътиқод амалиётида диннинг умуминсоний маънода ижобий салоҳияти инкор қилинмайди. Аммо муайян воқелиқда аксарият “кучлар”, “ҳаракатлар”, “оқимлар” томонидан уни сиёсийлаштириш орқали цивилизациялараро тўқнашувлар, экстремистик ва террористик ҳаракатларни содир этишнинг асоси сифатида кўрсатиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу дунёда содир бўлаётган воқеаларни юзаки тушуниш бўлиб, ижтимоий онг ва дунёқарашдаги муайян чекланганликни намоён қилади. Ваҳоланки, дин бугунги реалликларда фуқароларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни чекловчи манбалари билан бирга одамлар онгига таъсир этиш имкониятини намоён этади.

Мозий воқелигининг таҳлили шундан далолат берадики, узоқ тарихга бориб тақаладиган давлат ва дин муносабатлари жамиятнинг ижтимоий-маданий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳаётининг энг муҳим жиҳатларини қамраб олади. Шаклланган анъаналар ва давлатларнинг типлари доирасида давлат-конфессия муносабатлари тартибга солиб борилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида ўтган асрнинг 90-йилларида жамиятда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнининг бошланиши билан фуқаролик жамияти институтлари, биринчи навбатда,

давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар масаласи кун тартибига чиқди. Ушбу масала тарихий ва маданий характер касб этиши билан бирга, давлат ва жамият ҳаётининг сиёсий, ҳуқуқий ва мафкуравий жиҳатлари муаммоларини ҳам юзага чиқарди.

Халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти куриш йўлидаги интилишлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини тан олиш билан бирга миллий давлатчиликнинг асрлар оша шаклланган ва сайқалланиб келган маънавий меросини ҳам ҳаётга татбиқ этиш заруратини тақозо этди.

Ўзбекистон Республикасининг дин ва диний ташкилотларга нисбатан муносабати тубдан ўзгарди. Халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларга мувофиқ дин ва диндорларга бўлган янги ёндашувлар “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (1991, 1998, 2021 йиллар)ги қонунларда ўз аксини топди<sup>1</sup>.

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт<sup>2</sup>” деб қайд этилди.

Ушбу конституцион норма туфайли фуқаролар эътиқод ва дин эркинлигига эга бўлдилар. Мамлакатда дин ва диний ташкилотларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларга мувофиқ дин ва диндорларга бўлган янги ёндашувлар “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (1991, 1998, 2021 йиллар)ги қонунларда ўз аксини топди<sup>3</sup>.

1991 йил 14 июнда қабул қилиниб 1993 йил 3 сентябрда муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи эканлиги, фуқаро ўзининг динга, диний эътиқодга ёки ундан воз кечишга, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда, динни ўрганишда қатнашиш ёки қатнашмасликда ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни бирор-бир даражада мажбур этишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Динга эътиқод қилиш эркинлиги ёки ўзга эътиқодлар жамоат хавфсизлигини ва тартибни, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва ахлоқини, шунингдек, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши назарда тутилди<sup>4</sup>.

1991 йилда қабул қилинган қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмида диний жамоа ҳақида баён қилиниб: “жамоани тузган фуқаролар жамоа тузилганлиги тўғрисида диний марказни ва диний ташкилотларнинг низомини рўйхатга оладиган давлат идорасини воқиф қилиб қўядилар” деб белгилаган бўлса, 1993 йилда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда “Диний жамоалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 1991 йил 14 июндаги 289-ХП-сонли қонуни. <https://lex.uz/docs/65044>, Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 1998 йил 1 майдаги 618-И- сонли қонуни. <https://www.lex.uz/acts/65108>, Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699-сонли қонуни <https://www.lex.uz/acts/5491534?ONDATE=06.07.2021%2000#5494725>.

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Т.: O‘zbekiston, 2019. – 76 б

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 1991 йил 14 июндаги 289-ХП-сонли қонуни. <https://lex.uz/docs/65044>, Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 1998 йил 1 майдаги 618-И- сонли қонуни. <https://www.lex.uz/acts/65108>, Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699-сонли қонуни <https://www.lex.uz/acts/5491534?ONDATE=06.07.2021%2000#5494725>.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 14.06.1991 йил қонуни 3-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 01.05.1998 йил қонуни 3-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 05.07.2021 йил қонуни 4-моддаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси билан келишилган ҳолда рўйхатга олинадилар” деб аниқлик киритилди.

Қонуннинг 6-моддаси эса белгиланган тартибда рўйхатга олинган низомлари бўлган диний ташкилотлар ўз низомларига мувофиқ катта ёшдаги кишиларга ва болаларга диний таълим бериш учун ўқув юртлари ёки гуруҳлар ташкил этиши, таълимни олиб бориш учун ўзларига қарашли ёки ўзларига фойдаланиш учун бериб қўйилган бинолардан фойдаланишлари мумкинлиги, болаларни эса фақат мактаб ёшига етганда мактабдаги машғулотлардан бўш вақтларда оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилиги билан, вояга етганларнинг эса ўз хошишларига кўра ташкилий равишда диний таълимот ўргатишга йўл қўйиши, диний таълимотдан сабоқ берувчи шахслар эса махсус диний маълумотга эга бўлишлари ва ўз фаолиятларини диний бошқарманинг, марказнинг ижозати билан амалга оширишлари лозимлиги, хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ беришга йўл қўйилмаслигини белгилаб қўйган эди.

Ундан ташқари, қонуннинг V боби диний ташкилотлардаги ва уларнинг корхоналаридаги меҳнат фаолияти деб номланиб, 24-27- моддалар диний ташкилотлардаги меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар, у ерда фаолият олиб бораётган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари, диний ташкилотларда фаолият олиб бораётган шахсларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғуртасига бағишланган. Бугунги кунда ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъи назар Республикада фаолият олиб бораётган ҳар қандай муассаса, ташкилотлар ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш амалдаги Меҳнат кодекси билан қамраб олинганлиги учун Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 1998 йилги ва 2021 йилги қонунларда бундай нормалар назарда тутилмаган.

1991 йилдаги қонунга киритилган 1993 йилги бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида тан олинishi, давлат тузилмаларида янги идора ва лавозимларнинг жорий этилиши, қонунчилик техникасининг такомиллашуви билан боғлиқ.

1998 йилдаги қонуннинг янги таҳрири 7-моддаси юқоридаги таълим тизими ва дин муносабатларига нисбатан ёндашувларни янгича талқинда баён этиб, Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилганлиги, таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмаслигини белгилаб, диний таълим фақат профессионал диний таълим муассасаларида умумий ўрта таълим муассасаларини битиргандан кейин амалга оширилишини белгилаб қўйди. 2021 йилда қабул қилинган Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси ҳам 1998 йилдаги қонуннинг мазмун-моҳиятига мос қоидалар билан мустаҳкамланди.

1991 йилда қабул қилинган қонунда ибодат либоси билан боғлиқ норма белгиланмаган бўлса, 1998 йилги қонуннинг 14-моддаси 4-қисмида Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184<sup>1</sup>-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлиши қайд этилди.

Ушбу моддага киритилган “ибодат либоси” бирикмаси Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кўпчилиги эътиқод қиладиган ислом, христианлик ёки бошқа динлар адабиётларида таърифи келтирилмаган ва изоҳи мавжуд бўлмаган бирикма бўлиб йиллар давомида жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келди.

2021 йил 5 июлда қабул қилинган амалдаги қонунда 1998 йилдаги қонундан фарқли ўлароқ ибодат либоси билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топиб, қонундан бутунлай чиқариб юборилди. Янги қонунда маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун 100 нафар фуқаронинг ўрнига 50 нафар фуқаронинг имзоси етарли бўлиши, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун маҳалла фуқаролар йиғинининг розилиги талаб қилинмаслиги, шунингдек, диний ташкилотни

рўйхатдан ўтказиш учун электрон тизим орқали мурожаат қилиш лозимлиги каби енгилликлар яратилди.

Миссионерлик ва прозелитизмга оид масалалар ҳам қонунда алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, унинг 1991 йилдаги таҳрири 7-моддасида миссионерлик фаолиятига йўл қўйилмади деб белгилаб қўйилган бўлса, 1998 йилдаги таҳрири 5-моддаси 3-бандида “давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишида айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган жавобгарликка тортиладилар”, - деб белгилаб қўйилган. Амалдаги янги қонун ушбу масалага ўзгача ёндашиб, 3-моддада асосий тушунчалар сифатида миссионерлик ва прозелитизм тушунчаларига таъриф бериш билан бирга 7-моддада давлат конфессияларнинг тинч-тотув яшашига кафил бўлиб, миссионерлик ва прозелитизмни амалга оширишга йўл қўйилмаслиги мустақамлаган. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида миссионерлик ҳаракатлари ёки прозелитизм учун жавобгарлик чоралари белгиланиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддаси диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш деб номланган. Ушбу модданинг 3-қисмида миссионерлик фаолияти ёки прозелитизм учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши белгиланган бўлса, маъмурий чора қўлланилгандан кейин ушбу қилмишни содир этганлик учун Жиноят кодексининг 216<sup>1</sup>-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

2021 йилда қабул қилинган қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири 10-моддада акс эттирилган бўлиб, унда: Диний мазмундаги материаллар диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мафқурасини ва шарҳларни, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек, алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтаи назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилардан (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинadиган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) иборатдир, дейилади.

Қонуннинг талабига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган ғоялар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси олинганидан кейин амалга оширилади.

Янги қонундаги яна бир ўзига хос қонунчилик техникасида кейинги пайтларда кенг қўлланилаётган асосий тушунчалар билан боғлиқ модда бўлиб унда диний таълим муассасаси, диний ташкилот, диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи, маҳаллий диний ташкилот, миссионерлик, қонунга хилоф диний фаолият, диний профессионал таълим, прозелитизм тушунчаларининг изоҳи содда ва раво қилиб тушунтириб берилган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини тан олган ҳолда мамлакат аҳолисининг хоҳиш-иродаси, асрий кадриятлари, урф-одатларини ҳам инобатга олиб, бугунги замон талаблари даражасида ривожлантириб борилмоқда. Қонун Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг алоҳида институти сифатида расмий рўйхатдан ўтиб фаолият олиб бораётган барча диний



конфессияларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бирдек тартибга солган бўлиб, тенглик, бағрикенглик ва демократизм принципларига тўла жавоб беради.